

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

**“ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР”
КАФЕДРАСИ**

Анваров Камолиддин

**ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИДА КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИНИНГ
ЎРНИ ВА РОЛИ МАСАЛАЛАРИ**

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи И.О.Хамраев

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-БОБ. ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИДА КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

1.1. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни шакллантириш жараёнида янги институт-келишув комиссиясини ташкил этиш масалалари.

1.2. Парламент палаталари ўртасидаги келишув механизмини қўллаш борасида хорижий мамлакатлар тажрибаси ва амалиёти.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида келишув комиссиясининг тузиш тартиби.

2.2. Қонун чиқариш жараёнида Олий Мажлис келишув комиссияси фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари ва унинг такомиллашуви масалалари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейинги 22 йиллик даврида демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида давлат бошқаруви ва қурилиши соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар натижасида профессионал фаолият олиб борадиган икки палатали парламент тизимини шакллантирилди. Бу эса ўз навбатида халқ вакилликнинг реал қафолатланиш, давлат механизмида парламентнинг роли ва таъсирини кучайиши, сиёсий партияларнинг ривожланиши учун позитив аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28-январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисда “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” мавзусида сўзлаган нутқида ҳам, илк бор икки палатали парламентга ўтиш Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, ғоят муҳим ўрин эгаллаганлиги, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат деган фикрларни билдириб ўтган эди¹. Парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш борасидаги сиёсий ислохотларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясига парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилиши муҳим кадам бўлди².

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги ташкил этилган сиёсий институт эканлигини инобатга олсак унинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб унинг фаолиятининг асосий йўналишларини тадқиқ этиш хусусан унинг фаолиятидаги ҳали кам ўрганилган институтлардан бири келишув тартиб-таомилига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз ва ушбу жараён билан боғлиқ масалаларни илмий тадқиқ этиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Зеро қонун чиқариш жараёнида Олий Мажлис палаталари ўртасидаги юзага келадиган келишмовчиликларни баратараф этиш усули бўлган келишув комиссияси ҳам бизнинг парламент амалиётимиз учун янгилик ҳисобланади. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш кўп жиҳатдан Олий Мажлис фаолиятининг мукамаллиги, такомиллашуви билан боғлиқ бўлиб, давлат ҳокимиятини демократик тамойилларга мувофиқ амалга оширишдаги аҳамияти танланган мавзунинг долзарблигини тасдиқлайди.

Малакавий ишнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда икки палатали парламент шароитида келишув комиссияси институтининг жорий қилиниш шарт-шароитлари, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;
- Хорижий мамлакатларда келишув комиссияларни тузиш, уларни фаолият кўрсатиши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий ҳолатларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш;
- Олий Мажлис фаолиятида келишув комиссияси фаолиятининг асосий йўналишларини ёритиб бериш;
- Олий Мажлис фаолиятида келишув комиссияси ваколатларини кенгайтириш масалаларини ўрганиш;
- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг умумий асосларини таҳлил қилиш;

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.-Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2005 йил 29 январ.

² Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон” 2010.

- Олий Мажлис фаолиятида келишув комиссияси мажлисларини ўтказишнинг тартибини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Олий Мажлис фаолиятида келишув комиссияси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда истиқлол йилларида парламент фаолиятида келишув комиссияларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар О.М.Муҳаммаджонов¹, Х.Одилқориев², С.А.Аббосхўжаев³, А.Т. Тўлаганов⁴ А.Латипов⁵, Г.Р.Мирзаева⁶, Р.Р.Ҳакимов⁷, Ш.Зулфиқоров⁸ каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Шу билан бир қаторда олимлар Д.Қ.Ахмедов, У.Ш.Хусаинов, С.О.Ўрозбоевларнинг ишларида ҳам келишув комиссиясининг фаолияти билан боғлиқ масалалар ўрин эгаллаган.⁹

Таъкидлаб ўтиш жоизки ушбу масаланинг илмий-назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари билан боғлиқ илмий изланишлар хорижий мамлакатлар олимларининг ишларида ҳам алоҳида ўрин олган. Хусусан бир қатор рус олилари К.В.Арановский, А.Мишин, Т.Хабриева, О.Н Булаков, М.А Могунова, И.В Котелевская, А.П.Любимовларнинг ишларида айнан парламент ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар қаторида келишув комиссияси фаолияти акс этган¹⁰.

Ушбу битирув малакавий иш - кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

¹ О.М.Муҳаммаджонов Формирование организационно-правовых основ деятельности двухпалатного парламента в Республике Узбекистан. Автореф. Дисс...докт.юрид.наук.Т.2004.; Парламент келишуви унинг тартиб қоидалари нималардан иборат? Ҳуқуқ ва бурч. № 4-5, 2006 йил. 50-51 бетлар.

² Одилқориев Х.Т. Тультеев.И.Т. «Икки палатали парламент» Т.: Ў.Р.ИИВ.Академияси. 2005.

³ С.А.Аббосхўжаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш. Юрид.фанлар номзоди дисс...автореф. Т.2007.

⁴ А.Т. Тўлаганов “Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш” –Тошкент, ТДЮИ. 2002

⁵ А.Латипов Проблемы совершенствование парламентского конроля в Узбекистане. Автореф. Дисс...канд.юрид.наук.Т.2002; Парламентское право: вопросы теории и права. Т.: Институт философии и права им.И.М.Муминова АН республики Узбекистан, 2005. С-17.

⁶ Г.Р.Мирзаева Қонун чиқарувчи ҳокимият (назарий-ҳуқуқий таҳлил) Юрид.фанлар номзоди дисс...автореф. Т.2004.

⁷ Р.Р.Ҳакимов Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари. Юрид.фанлар номзоди дисс...автореф. Т.2009.

⁸ Ш.Зулфиқоров “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқий мақоми”. Юрид.фанлар номзоди дисс...автореф. Т.2008.

⁹ Д.Қ.Ахмедов, У.Ш.Хусаинов, С.О.Ўрозбоев Парламент фаолиятида келишув комиссияси. Т.ТДЮИ. 2006.

¹⁰ Амеллер М.Парламенты(пер.с англ.).- М.: Прогресс.1967. 31-б. К.В.Арановский Государственное право зарубежных стран. Учебное пособие.Москва Инфра-М Форум 2000; Булаков О.Н. Парламентское право. Под ред. д.ю.н.проф.Ю.А.Дмитриева – М.: Юриспруденция, 2002, М.А Могунова Скандинавский парламентаризм. Теория и практика. – М.: Российск. Гос. гуманит.ун-т., 2001; А.П. Любимов Парламентское право России– М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2002 Котелевская И.В. Современный парламент. Государство и право – 1997

I-БОБ.ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИДА КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

1.1 Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни шакллантириш жараёнида янги институт-келишув комиссиясини ташкил этиш масалалари.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида демократик-ҳуқуқий ислоҳотларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги бой тажрибадан муайян сабоқ чиқариб, қонун ижодкорлиги фаолияти амалга ошириш, иккинчидан, қонун тимсолида баравар адолат принципини рўёбга чиқариш мақсадида инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этган ҳолда, унинг ҳар томонлама ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, учинчидан, мамлакатимиздаги янги типдаги парламентни вужудга келтириш, қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, тўртинчидан, халқаро майдонда ўзимизга мос ҳуқуқий макон барпо этиш учун хизмат қилиши, шубҳасиз. “Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантиқий йўли халқимиз, жамоатчилигимизнинг намояндалари бўлмиш вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришни талаб этмоқда”¹.

Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовордир: “Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмини, аввало, қуйи ва юқори палаталарнинг тегишли кўмити ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Олдимизда турган муҳим вазифа — ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорламасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Шу борада, яъни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартишлар киритиш жараёнида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, юқори палата томонидан бирон-бир қонуннинг қайтарилиши, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича келишув комиссиялари доирасида баҳс-мунозаралар олиб бориши кимгадир ғалати кўринмаслиги ва кимнингдир нафсониятига тегмаслиги керак”².

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузасида, Олий Мажлис икки палатали тизимда шакллантирилганидан сўнг ўтган бир йил вақт давомида унинг юқори палатаси “...ўзининг тўртта ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган 19 та қонунни кўриб чиқди ва маъқуллади. Бу борада қуйидаги мисол алоҳида эътиборга молик, деб ўйлайман. Юқори палатада кўриб чиқиш жараёнида тўртта қонун қайтарилди. Улар бўйича Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиялари тузилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди ва ўзаро мақбул хулосага келинди. Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга сазовор муносабат ва тажриба аввало бугун парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганлигидан дарак беради”³ деган таъкидлари эътиборга молик.

¹ И.А.Каримов Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т. Халқ сўзи. 2013 йил 8 декабрь

² И.А.Каримов Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи 2006 йил 5 феврал

³ И.А.Каримов Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи 2006 йил 5 феврал

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали тизим асосида шакллантирилиши унинг палаталарини алоҳида тизимлашган орган сифатида фаолият юритишга ва айти пайтда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширишда ҳар икки палата умумий мақсад йўлида ҳамкорлик қилиш ва ҳокимиятларни тақсимланиш тамойили доирасида бири бирини тийиб туриш механизми асосида фаолият юритишга етарлича ваколатлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилган. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларида ўз аксини топган. Жумладан, масалаларни кўриб чиқишда палаталар мустақил фаолият кўрсатади. Қоида тариқасида масала биринчи Қонунчилик палатасида, кейин Сенатда кўриб чиқилади. Агар кўриб чиқиладиган масала юзасидан келишмовчиликлар юз берганда палаталар ўртасида келишув комиссиялари тузилиши мумкин. Бу қоидаларнинг ўрнатилиши масаланинг моҳияти юзасидан палаталарнинг фикри ҳисобга олинган ҳолда якуний ҳулоса чиқариш имконини беради. Чунки, О.З.Муҳаммаджонов таъкидлаганидек, “бир палатали парламентда қонунни қабул қилиш охириги марта овозга қўйиш орқали амалга оширилади (у бир неча ўқишда ўтказилиши мумкин). Икки палатали парламентда эса қонун лойиҳаси айти бир тахрирда иккала палата томонидан қабул қилинган ҳолдагина қонунга айланди.”¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ – 24 – сонли “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида”ги Қарори² ижросини таъминлаш бўйича Олий Мажлис ҳар икки палатаси ўзининг тегишли дастурларини қабул қилишган. Эътиборли томони шундаки, Президентимизнинг мазкур Қарори палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига қирадиган масалаларни муваффақиятли ҳал этишлари учун ўзаро ижобий ҳамкорлик қилишни кундалик заруратга айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 15 июндаги 71-1 сонли Қарори билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифалари ҳисобга олинган ҳолда 2005 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти Дастури”³ ҳамда Сенати Кенгашининг 2005 йил 21 июлдаги 54-1 сонли қарори⁴ билан қабул қилинган мамлакат Президентининг ПҚ-24-сонли Қарорини бажариш дастурининг айрим йўналишларига доир таклифларини амалга ошириш юзасидан Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг режаси ҳақидаги ҳужжат палаталарининг келгусида ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши зарур бўлган йўналишларини кўрсатиб берди. Палаталар томонидан мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши уларнинг қонун ижодкорлигидаги ўзаро ҳамкорликларини таъминлашга хизмат қилган омиллардан бири бўлди десак, хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 87-моддаси, 3-қисмида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидаги комиссиялар тузади” деб белгиланган норма палаталар ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишни таъкидлаш ўринли бўлади.

Мазкур Конституциявий норма Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008-йил 3-июлдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №842-1/513-1-сонли

¹ Муҳаммаджонов О.З. Келишув комиссияси: унинг тартиб-қоидалари нималардан иборат? / “Инсон ва Қонун” 2006. 26 сентябрь

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2005 йил, №3-4, 142-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2005 йил, №6, 202-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2005 йил, №7, 259-модда.

ҳамда 2008-йил 10-июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фондининг вазифаларини амалга ошириш учун зарур норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиянинг таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги №843-1/515-1-сонли¹ қўшма қарорларини қабул қилиши билан ҳар икки палатанинг муайян вазифани биргаликда амалга оширишлари учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашининг биргаликдаги қўшма қарорларининг қабул қилиниши билан ҳар икки палата мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимияти –Олий Мажлиснинг том маънодаги икки қаноти эканлигини, қолаверса, Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалаларни юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишда давлат ҳокимиятининг яхлит бир органи эканлигини кўрсатди.

Демак, хулоса сифатида айтиш мумкинки, уларни биргаликда ва ўзаро ҳамжиҳатликда фаолияти замирида улар фақатгина битта қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ажралмас икки қаноти бўлгани ёки палаталар ишини самарали бўлиши учунгина эмас, балки икки палатали парламент тизимида шакллантирилган Олий Мажлиснинг мавжуд бўлишини асосий шарти ҳамдир.

Бугунги кунда парламент юқори палатаси томонидан рад этилган қонун юзасидан юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини тузиш тартибини белгилаб берган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш Тартиби”² ҳамда Олий Мажлиси палаталарининг ўзаро ҳамкорлик ҳаракатларини ташкил этиш, шунингдек, Қонунчилик, назорат-таҳлил ва бошқа фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик ҳаракатларини келишиб олиш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ўзаро ҳамкорлик ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисида Низом”³ ҳар икки палатанинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослардир.

Шундай қилиб, Парламент қонун ижодкорлиги жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай келишмовчиликлар хоҳ у палаталар ўртасида, хоҳ Парламент ва президент ўзаро муносабатларда бўлсин, энг аввало уларни ижобий ечимини топишга хизмат қиладиган келишув институтини тузиш учун ҳуқуқий асос яратилган бўлиши зарур. Бу нафақат парламент ёки давлат ҳокимияти органлари фаолиятини бир маромда ишлашига хизмат қилади, умуман мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти ривожланишининг асосий шарти ҳамдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008-йил №7, 409-410-моддалар

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2005., №12, 458-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг Архиви., 09-01.,: 2006-йил 22–март №34 Фармойиш

1.2. Парламент палаталари ўртасидаги келишув механизмини қўллаш борасида хорижий мамлакатлар тажрибаси ва амалиёти.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида парламент палаталари ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларни бартарафни этиш икки ҳолатда намоён бўлишини кузатиш мумкин. Бу парламент палатаси ваколатларининг Конституция ва парламент тўғрисидаги махсус қонунларда қай даражада белгилаб қўйилганлиги билан боғлиқ. Агарда *қуйи палатанинг ваколатлари Конституция ва унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар асосида юқори палатанинг ваколатларига нисбатан кенг бўлса*, бунда қонун лойиҳасига нисбатан бўлган юқори палатанинг эътирозлари ва тузатишлари қуйи палатада такрорий овоз бериш билан ҳал қилиниши мумкин. Мазкур ҳолда такрорий овоз беришни ўтказиш учун баъзи бир мамлакатларда масалан, **Испания**¹да (Испания парламенти Бош Кортес икки палата: депутатлар Конгресси ва Сенатдан иборат) қуйи палата аъзоларининг мутлоқ кўпчилигининг иштирок этиши талаб этилади, бошқа давлатларда масалан, **Польша**² (Польшада Қонунчилик ҳокимияти икки палата Сейм ва Сенатдан иборат) ёки **Япония**³да (Япония Парламенти икки палата: Вакиллар палатаси ва Маслаҳатчилар палатасидан иборат) эса малакали кўпчилигининг иштирок этиши етарли ҳисобланади. **Буюк Британия**⁴да палаталар (Буюк Британия парламенти икки палата: Умум (жамоа) палата ва Лордлар палатасидан иборат) ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш учун Жамоалар палатаси аъзолари оддий кўпчилигининг ҳозир бўлиши етарлидир, бироқ бундай тартибда овоз бериш палатанинг биринчи қароридан камида бир йилдан сўнг ўтказилиши мумкин. **Франция**⁵ (Франция Парламенти икки палата: Миллий Мажлис ва Сенатдан иборат) да палаталар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида *аралаш комиссия* тузилади. Агарда ушбу комиссия ёрдамида келишилган қарор қабул қилишга эришилмаса, Ҳукумат охириги, узил-кесил қарорни Миллий мажлис қабул қилишини талаб қилиши мумкин. Масалан, **Руминия**⁶да эса палаталар томонидан амалга оширилидиган келишув тартиб-таомили натижа бермайдиган бўлса, бу масала палаталарнинг қўшма мажлисида ҳал қилинади.

Қоида тариқасида, *парламент палаталари қонунчилик соҳасида тенг ҳуқуқларга эга бўлган мамлакатларда* эса палаталар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш учун иккита метод қўлланилади:

1) “челнок”(моки) методи – қонун лойиҳасининг аниқ бир матни қабул қилинмагунча ёки у рад қилинмагунча бир палатадан иккинчи палатага кетма-кетлик асосида ўтказилиши (яъни рамзий маънода қонун лойиҳасининг палаталар орасида “бориб келиши”);

2) иккинчи метод *келишув комиссиясини* ташкил этиш билан изоҳланади. Ушбу комиссия қонун лойиҳасининг келишилган матнини ишлаб чиқади ва палаталарга беради, палаталар эса комиссия томонидан таклиф этилган матнни қабул қилишлари, қонун лойиҳасини рад қилишлари ёки уни янгитдан комиссияга кўриб чиқиш учун қайтаришлари мумкин⁷. Парламент палаталари ўртасида муайян бир қонунчилик акти бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этишни амалга ошириш механизми маълум маънода давлат бошқарув шаклига ҳам боғлиқ. Масалан, аралаш республика ҳисобланган

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. ТОМ 3. Отв. ред. Б.А. Страшун. - М.: Издательства БЕК, 1997. – 764 с.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. ТОМ 3. Отв. ред. Б.А. Страшун. - М.: Издательства БЕК, 1997. – 764 с.

⁶ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. ТОМ 3. Отв. ред. Б.А. Страшун. - М.: Издательства БЕК, 1997. – 764 с.

⁷ Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под. Общ. Ред. члена – корр. РАН, проф. М.В.Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И.Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М.Энтина. – М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М.: 1999 – 832 с.

Франция¹ да палаталар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида *аралаш комиссия* тузилади. Агарда ушбу комиссия ёрдамида келишилган қарор қабул қилишга эришилмаса, Ҳукумат охириги, узил-кесил қарорни Миллий мажлис қабул қилишини талаб қилиши мумкин. Яъни мамлакат ҳукумати ҳам бу муносабатларга аралашиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар парламентлари фаолиятида келишув комиссияси муҳим ўрин эгаллайди. Қонунлар Японияда қоида бўйича иккала палатанинг қарори асосида қабул қилинади. Бироқ бир қатор мамлакатларда бўлгани сингари қонунчилик жараёнида қуйи палата салмоқли ваколатларга эга. Бу ҳолатни Япония Конституцияси ва Парламент тўғрисидаги қонуннинг нормалари тасдиқлайди. Япония Конституциясининг 59-моддасига кўра, агарда Маслаҳатчилар палатаси қуйи палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасини рад этадиган бўлса, мазкур лойиҳа ҳозир бўлган Вакиллар палатаси аъзолари кўпчилигининг камида 2/3 овози билан иккинчи марта қабул қилингандан кейин қонунга айланади. Шунингдек, бундай ҳолда Вакиллар палатаси палаталарнинг қўшма мажлисини чақиришни талаб қилиши мумкин, бу мажлисда қуйи палата ўзининг сон жиҳатдан устунлиги эвазига юқори палатага нисбатан имтиёзга эга бўлиши мумкин. Қуйи палата ҳар бир палатадан 10 тадан парламентарий (вакиллар) сайланадиган *келишув комиссияси* тузиш таклифини ҳам билдириши мумкин. Ушбу комиссияда қарор қабул қилиш учун кворум унинг таркибининг камида 2/3 қисмини ташкил этиши лозим. Қўмита томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасининг келишилган матни палаталарга кўриб чиқиш учун берилади. Агарда қўмита қонун лойиҳасининг келишган матнини ишлаб чиқа олмаса ёки бу вариант иккала палата томонидан тасдиқланмаса, Вакиллар палатаси томонидан қабул қилинган тегишли қарорга амал қилинади².

Агарда Маслаҳатчилар палатаси Вакиллар палатасидан қонун лойиҳасини олганидан кейин 60 кун ичида (Парламент ишидаги танаффусли ҳисобга олмаган ҳолда) лойиҳа бўйича овоз беришни ўтказмаса, қонун лойиҳаси палата томонидан рад қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда қарор, юқорида таъкидланганидек, фақатгина Вакиллар палатаси томонидан қабул қилиниши мумкин.

Францияда эса, қонунчилик жараёнида бўлғуси қонун ҳужжатининг матни узоқ вақт мобайнида палаталар ўртасида юриши мумкин (“челнок” методи), Конституциянинг 45-моддаси бу жараёни Ҳукумат ташаббуси бўйича тўхтатиш имконини назарда тутди. Мазкур моддага мувофиқ қонунчилик акти бирон бир палатада иккита ўқишдан кейин қабул қилинмаса ёки ҳар бир палатадан битта ўқишдан сўнг қабул қилинмаса, Ҳукумат бу масалани орқага қолдириб бўлмаслигини билдириши ва Бош вазир низоли масалалар бўйича қонунчилик актининг янги матнини ишлаб чиқиш учун тенглик асосидаги *аралаш комиссия*ни чакиради. Ушбу янги матн палаталарга таклиф этилади ва унга тузатишлар киритиш Ҳукуматнинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас. Агарда юқорида таъкидланган ҳолатлар бўйича бирон-бир натижага эришилмаса, Ҳукумат иккала палатадаги ўқишдан сўнг Миллий мажлисдан охириги, узил-кесил қарорни қабул қилишни талаб қилиши мумкин³. Бунда Миллий мажлис аралаш комиссиянинг матнини қабул қилиши ёки Сенатнинг тузатишларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг охириги матнида тўхталиши мумкин. Ушбу ҳолатда Миллий Мажлис қарор қабул қилишни ўз аъзоларининг мутлақ кўпчилиги овози билан ҳал қилади⁴.

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. ТОМ 3. Отв. ред. Б.А. Страшун. - М.: Издательства БЕК, 1997. - 764 с.

² Конституции мира: сборник Конституции государств мира. Т.6./сост. и авторы вступ. Статей У.ТАДЖИХАНОВ, А.Х.САИДОВ. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998.- 378 с.

³ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. ТОМ 3. Отв. ред. Б.А. Страшун. - М.: Издательства БЕК, 1997. - 764 с.

⁴ Конституции государств Европы : В 3 т. Т.3./ Под. общ. редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.- М.: Издательства НОРМА, 2001. - 792 с.

Россия Федерацияси Конституциясининг 105-моддасининг 4-қисмига мувофиқ федерал қонун Федерация Кенгаши томонидан маъқулланган ҳисобланади, агарда унинг учун ушбу палата аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берган бўлса ёки ўн беш кун ичида Федерация Кенгаши томонидан кўриб чиқилган бўлса. Федерал қонун Федерация Кенгаши томонидан рад қилинган ҳолда палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссиясини тузишлари мумкин, шундан кейин федерал қонун Давлат Думаси томонидан қайта кўриб чиқишга тегишли бўлади¹.

Федерация Кенгаши Регламентининг 13 ва Давлат Думаси Регламентининг 14 боблари палаталар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишнинг тартиб-таомилларини белгилаб берган бўлиб, мазкур регламентларда келишув комиссияси хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Федерация Кенгашининг Регламентига² асосан Давлат Думаси томонидан қабул қилинган ва Федерация Кенгаши томонидан рад қилинган қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Федерация Кенгаши ташаббусига биноан Давлат Думаси томонидан қўллаб қувватланган ва аксинча Давлат Думаси ташаббусига биноан Федерация Кенгаши томонидан қўллаб қувватланган келишув комиссияси тузилиши мумкин³.

Келишув комиссиясининг қарори Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси вакилларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Комиссиядаги Федерация Кенгаши вакиллари қарорни очиқ овоз бериш усули билан қабул қилишади. Қарор агарда унинг учун ҳар иккала томон (депутация) ёқлаб овоз берса қабул қилинган ҳисобланади. Келишув комиссиясидаги Федерация Кенгашининг депутацияси қарор қабул қилишда кўриб чиқиладиган федерал қонуннинг тегишли қоидалари, бўлимлари, боблари, моддалари, модданинг қисм ва бандларининг таҳрири юзасидан Федерация Кенгашининг берган таклифи бўйича эмас, балки ўз нуқтаи назарлари бўйича овоз беришлари мумкин. Ишнинг натижаси бўйича комиссия томонидан баённома ва қонуннинг ўзгартириш киритилган моддалари бўйича қиёсий жадвал тузилади ва тегишли равишда Федерация Кенгаши ва Давлат Думасига тақдим этилади⁴.

Давлат Думаси томонидан федерал қонунни қайта кўриб чиқишда фақатгина келишув комиссияси баённомасида акс этган таклифларгина муҳокама қилинади. Ҳеч қандай кўшимча тузатишлар Дума томонидан кўриб чиқилмайди. Давлат Думаси комиссия таклифлари юзасидан палата депутатлари умумий сони кўпчилигининг овози билан қарор қабул қилади. Келишув комиссияси таклифларининг камида биттаси рад этилган ҳолда ҳам Давлат Думаси келишув комиссияси томонидан янги таклифларни тақдим қилиш учун комиссия ишини давом эттиришни таклиф этиши мумкин. Комиссиянинг янги таклифлари давлат Думаси томонидан худди шу тартибда кўриб чиқилади (палата томонидан маъқулланган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда).

Дума томонидан келишув комиссияси таҳририда қабул қилинган федерал қонун зарур ҳужжатларнинг иловаси билан бирга беш кун ичида Федерация Кенгаши кўриб чиқиши учун жўнатилади⁵.

¹ Конституция Российской Федерации: Проблемный комментарий / Отв. ред. В.А.Четвернин – М., 1997. 702с.

² Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг 2002 йил 30 январдаги Қарори билан тасдиқланган.

³ Д.Қ.Ахмедов, У.Ш.Хусайнов, С.О.Ўрозбоев Парламент фаолиятида келишув комиссияси. Т.ТДЮИ. 2006. 14-б.

⁴ Конституция Российской Федерации: Проблемный комментарий / Отв. ред. В.А.Четвернин – М., 1997. 702с.

⁵ Витушкин В.А. Понятие законодательного процесса // Основы парламентского права. Научно-практическое пособие / Под ред. Т.Я. Хабриевой. - М. 2006. С. 57

Шуни ҳисобга олиш керакки, юқорида баён қилинган келишув тартиб-таомили мажбурий эмас, балки факультатив характер касб этади.

Беларусь Конституциясининг 100-моддасига мувофиқ қонун лойиҳаси Республика Кенгаши томонидан рад этилган ҳолда палаталар юзага келган келишмовчиликларни баратараф этиш учун тенглик асосида шаклланадиган келишув комиссиясини тузишлари мумкин. Келишув комиссияси томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасининг матни иккала палатанинг тасдиғига тақдим этилади.

Агарда келишув комиссияси томонидан қонун лойиҳасининг келишилган матни қабул қилинмаса, **Президент ёки унинг топшириғига биноан Ҳукумат** Вакиллар палатасидан охириги, узил-кесил қарорни қабул қилишни талаб қилишлари мумкин. Бунда қонун агарда унинг учун Вакиллар палатаси аъзолари бутун таркибининг камида учдан икки қисми овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади¹.

Швейцарияда қонунчилик жараёнига асосан қонун лойиҳаси парламентда кўриб чиқилишидан олдин келишувлар, мувофиқлаштиришлардан иборат узоқ жараённи босиб ўтади. Тақдим этилган қонун лойиҳаси аввал тегишли палатанинг тегишли комиссиясига, сўнгра палата фракцияларига топширилади. Улар ўз фикрларини берадилар. Палаталарда учта ўқиш бўлиб ўтади, дастлаб келиб тушган қонун лойиҳаси баҳоланади, сўнгра батафсил муҳокамадан ўтказилади, охирида умумий овоз бериш амалга оширилади. Бир палатада маъқулланган қонун лойиҳаси иккинчисига берилади. **Агар қонун лойиҳаси юзасидан палаталарнинг келишувига эришилмаса, келишув конференцияси чақирилади². У ҳар иккала палатанинг қонун лойиҳасини таёрлаган комиссияларидан ташкил топади.**

Умуман олганда келишув комиссияси–парламент палаталари ўртасида юзага келган келишмовчиликларни баратараф этишнинг усули ҳисобланади.

¹ Конституции государств – участников СНГ. – М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА· М., 1999-736 с.

² Конституции государств Европы : В 3 т. Т.3./ Под. общ. редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.- М.: Издательства НОРМА, 2001. – 792 с.

2-БОБ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси келишув комиссияси фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида келишув комиссиясининг тузиш тартиби.

Ўзбекистонда мустақилликдан сўнгги йилларда амалга оширилган туб сиёсий ислохотлар жараёнида икки палатали парламентни шакллантириш натижасида парламент амалиётида янги ҳуқуқий механизмлар ҳам жорий этилди. Хусусан юқорида таъкидланганидек, палаталар ўртасида қонунчилик жараёнида юзага келадиган келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида келишув комиссияси фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Келишув комиссияси фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (84-модда), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги қонунларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Хусусан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 84-моддаси 7-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари ва орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин¹.

Юқоридаги қонунларга асосан биз ҳар икки палатанинг келишув комиссиясини тузиш ва фаолиятига оид масалаларни ҳуқуқий таҳлил этамиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун кўриб чиқиш натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

1. Қонунни маъқуллаш тўғрисидаги қарор.
2. Қонунни рад этиш тўғрисидаги қарор.
3. Қонунни рад этиш ҳамда келишув комиссиясини тузиш ҳақида Қонунчилик палатасига таклиф киритиш ҳақида Қонунчилик палатасига таклиф киритиш тўғрисидаги қарор.²

Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қароридан рад этиш важлари кўрсатилиши керак. Унда бир вақтнинг ўзида қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек, келишув комиссияси тузиш тўғрисидаги таклифлар баён этилиши мумкин. Сенатнинг қонунини маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади³.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин. Келишув комиссияси таркибига, қоида тариқасида, қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмита аъзолари сайланади. Бошқа қўмиталарнинг мазкур қонун бўйича махсус билими бўлган сенаторлари комиссия таркибига киритилиши мумкин. Келишув

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2012 й.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси 2005 йил. №12 (1356), 459-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5 (1349) 161-модда

комиссияси таркиби Сенатнинг камида учта аъзосини ўз ичига олиши ва Қонунчилик палатаси билан биргаликда тенглик асосида белгиланган миқдорда бўлиши керак¹.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Сенат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади. Келишув комиссияси таркибига Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари киритилиши мумкин эмас. Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Сенат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар Келишув комиссиясини тузиш муддатига таъсир этмаслиги лозим ва ушбу келишмовчиликлар номзодларни алмаштириш орқали ҳал этилади. Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан тасдиқланади. Келишув комиссияси тузиш ва унинг таркибига Сенаторларни сайлаш тўғрисидаги тўхтам Сенатнинг қарори билан расмийлаштирилади, қарор лойиҳасини масъул кўмита Кенгашга киритади, кейинчилик масала Сенатнинг ялпи мажлисга киритилади. Комиссия таркиби Кенгаш томонидан тасдиқланган тақдирда (Сенат мажлислари оралиғидаги даврда), унинг тўхтами Кенгаш қарори билан расмийлаштирилади.

Келишув комиссиянинг Сенатдан кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси аъзоси бўлган сенаторнинг ваколатлари тугаган (муддатидан олдин тугатилган) тақдирда у Сенат томонидан махсус қарор қабул қилинмасданок комиссия таркибидан чиқарилади. Келишув комиссияси таркибидан чиқиб кетган аъзоси ўрнига Сенат ёки унинг Кенгаши томонидан келишув комиссиясининг янги аъзоси сайланади. Келишув комиссиясининг янги аъзосини сайлаш тўғрисида Сенат ёки унинг Кенгаши қабул қилган қарор Қонунчилик палатасига юборилади.

Келишув комиссиясининг мажлислари комиссия аъзоларининг хоҳишига кўра Қонунчилик палатасида ёки Сенатда ўтказилади.

Сенат комиссияга келишув жараёнида вужудга келадиган қуйидаги йўналишлардаги ташкилий масалалар бўйича ёрдам беришлари мумкин:

- тегишли ҳужжатларни Қонунчилик палатасига ва Келишув комиссияси аъзоларига юбориш;
- Келишув комиссияси аъзоларига Сенат аъзолари билан бўладиган учрашувлар кунини, вақтини ва жойини белгилаб бериш;
- Келишув комиссияси аъзоларини фаолият олиб боришлари учун керакли бинолар билан таъминлаш;
- Комиссия аъзоларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш;
- Келишув жараёнида бўладиган сарф-харажатларни ваколати доирасида тақсимлаш ва аванс орқали уларни қоплаш;
- палатанинг ваколати доирасида бошқа ёрдамларни кўрсатиш².

Келишув комиссиясининг ишини ташкилий, ахборот, ҳужжатлаштириш жиҳатидан ва бошқача тарзда таъминлаш комиссия қаерда ишлашига қараб, тегишинча Қонунчилик палатаси Девони ёки Сенат Девони томонидан амалга оширилади.

Келишув комиссияси Келишув комиссиясининг ҳар иккала Палата томонидан кўрсатилган таркиби уларнинг мажлисларида, Палаталарнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса уларнинг Кенгашлари томонидан тасдиқлангандан сўнг тузилган ҳисобланади.

Келишув комиссияси фаолиятининг ташкилий шакли бўлиб, унинг учрашувлари ҳисобланади. Келишув комиссиясининг биринчи учрашуви Келишув комиссияси тузилгандан сўнг ўн кун ичида тайинланади. Келишув комиссиясининг биринчи учрашувини тайинлаш Сенат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан

¹ А.Латипов Парламентское право: вопросы теории и права. Т.: Институт философии и права им.И.М.Мунинова АН республики Узбекистан, 2005. С-17.

² Д.Қ.Ахмедов, У.Ш.Хусаинов, С.О.Ўрозбоев Парламент фаолиятида келишув комиссияси. Т.ТДЮИ. 2006.

ўзаро маслаҳатлашувлар билан амалга оширилади ва тегишли тартибда палаталарда тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг барча аъзолари Келишув комиссиясининг фаолияти давомида сенаторлик ва депутатлик одобига риоя этишлари шарт. Ушбу тартибларни бузган Сенат вакили дарҳол Сенат раиси томонидан чақириб олинади.

Келишув комиссияси учрашувларида Келишув комиссияси таркибига кирмаган Сенат ва Қонунчилик палатаси аъзолари палаталарнинг вакиллари сифатида кузатувчи бўлиб иштирок этишлари мумкин. Шунингдек, зарур ҳолларда Келишув комиссияси учрашувларига олимлар, мутахассислар эксперт сифатида таклиф этилишлари мумкин. Келишувга эришиш мақсадида Сенат Келишув комиссиясига Сенатда рад этилган қонун лойиҳасига қўшимча таклифлар комиссияга кўриб чиқиш учун тақдимнома тақдим этилади.

Тақдимнома мазмунида қуйидагилар акс этган бўлиши лозим:

- қонун ҳужжатининг ва унга масъул бўлган палатанинг қумитасининг номи;
- келишмовчиликнинг қисқача изоҳи (меъёр);
- қўйилган талаб ва таклифлар (низо предмети);
- палаталарнинг келишув ташаббуси билан чиққанлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- масъул шахс имзоси (ҳар бир палатадан).

Келишув комиссиясига юбориладиган илтимоснома Сенат девонидан рўйхатдан ўтиши лозим.

Келишув комиссияси палаталарнинг таклифлари келиб тушган кундан бошлаб, келишмовчиликни кўриб чиқа бошлайди.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг (палаталарнинг) ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Келишув комиссияси томонидан барча қарорларни қабул қилиш жараёни баённомада ёзиб борилади. Келишув комиссияси ҳар бир аъзоси кўрилган масала юзасидан ўзгача фикр билдириши мумкин. Ушбу ҳолат баённомага киритилади.

Келишув комиссияси фаолияти давомида ҳар бир палатада янги таклифларни тақдим этиш имкони бўлади. Таклифлар ёзма равишда бўлади. Кўрилаётган иш юзасидан Келишув комиссиясининг ўзи ҳам тегишли палатадан таклиф сўраши мумкин. Сенат томонидан тақдим этилаётган янги таклифлар юзасидан Қонунчилик палатаси дарҳол хабардор этилади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни баргараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хулосада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- келишмовчиликлар предметининг қисқача изоҳи;
- берилган таклифлар;
- инобатга олинган таклифлар;
- келишмовчиликлар қандай тартибда ҳал этилганлиги.

Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан

маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

Келишув комиссияси фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- палаталар ўртасида келишувга эришилса;

- кўрилаётган масалани палаталар билан маслаҳатлашган ҳолда бундан буёғига

Келишув комиссиясида ҳал этишни имкони йўқ мазмундаги ёзма аризага биноан;

- палаталарнинг ёки уларнинг бирини келишув тугатилиши тўғрисидаги ёзма аризасига мувофиқ.

Келишув жараёни тугаганидан сўнг Келишув комиссияси тегишли қонун ҳужжати Олий Мажлис палаталари девонхонасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этишдаги иштироки.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига кўра, Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади. Қонун қабул қилингунга қадар эса бир қатор босқичларни босиб ўтади.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш қонун яратиш жараёнининг жуда муҳим босқичидир. Бу босқич қонун лойиҳаси қонун чиқарувчи органга тақдим этилгач ва у ҳақидаги масала сессия кун тартибига киргач бошланади. Қарор топган тажрибага кўра, қонун лойиҳаси икки хил тартибда муҳокама қилинади: аксарият қонунларнинг лойиҳалари, умумий қоидага биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисларида муҳокама этилади; мамлакат ҳаётининг ўта муҳим масалаларини тартибга солишга қаратилган қонунларнинг лойиҳалари эса кенг халқ муҳокамасига чиқарилади. Барча қонун лойиҳаларини халқ муҳокамасига қўйиш мажбурий қоида эмас. Умумхалқ муҳокамалари сўнгги йилларда қонунчилик тажрибамизда кенг қўлланилаётган демократик институтдир.

Парламентнинг қонун лойиҳасини муҳокама қилиши қонунчилик жараёнининг расмий босқичи саналади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган янги қоидалар қонун лойиҳасини муҳокама қилишни икки палатали парламент шароитига мослаштиришга хизмат қилди. Бу борада Конституциямизнинг 87-моддасида қуйидаги қоида белгилаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан қўмиталарни сайлайди»¹.

Ушбу норманинг мантикий давоми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонунида мустаҳкамланди. Унда қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиби белгиланди: «Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилганидан кейин Қонунчилик палатаси Спикери уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белгилайди.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишга ҳақли. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул қўмита уни Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш ёки қонун лойиҳасини киритган органга (шахсга) қайтариш тўғрисида Қонунчилик палатасининг Кенгаши олдида масала қўяди» (28-модда).

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2012 й.

Агар киритилган қонун лойиҳаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ бўлмаса, Қонунчилик палатасининг Кенгаши қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Регламентининг 13-моддасида палата Спикери, Кенгаши ва масъул қўмитанинг ҳаракатлари юридик тарзда аниқ расмийлаштириб берилди. Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмига топширади. Масъул қўмига қонун лойиҳасини кўриб чиқишга қабул қилиш мумкинлиги ёки уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш зарурлиги тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгашига белгиланган муддатда хулоса тақдим этади.

Қонунчилик палатасининг Кенгаши Масъул қўмитанинг хулосаси асосида қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. Аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун янгидан киритилиши мумкин. Агар тегишли масала бўйича қонун лойиҳаси палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, айти шу масала бўйича бошқа қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинганида Қонунчилик палатасининг Кенгаши қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш муддатини белгилайди. Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли ҳужжатлар билан Қонунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш Масъул қўмига томонидан амалга оширилади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қўмиталарида муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади. Агар Қонунчилик палатасининг Кенгаши бошқа муддат белгилаган бўлмаса, Масъул қўмига қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан икки ой ичида уни – Қонунчилик палатаси Кенгашининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорининг лойиҳасини, Масъул қўмитанинг мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этиш зарурлиги асосланган ҳоддаги хулосасини илова қилиб – Қонунчилик палатасининг Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Қонунчилик палатасининг Кенгаши Масъул қўмига тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун лойиҳасининг асосий муҳокамаси Қонунчилик палатасининг мажлисларида амалга оширилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, *уч ўқишда* кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини

тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган деб топилади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. У асосли деб топган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиганида Масъул қўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгиллаган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан яхлитлигича овозга кўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, Масъул қўмитанинг таклифига биноан, қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга кўйилиши мумкин.

Қонунни Қонунчилик палатаси палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилади. Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан бирга қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган ҳужжатлар юборилади.

Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасида қабул қилинган қонун Сенатга юборилганидан сўнг амалга ошириладиган ҳаракатлар белгиланган. Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат рад этган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Сенат томонидан рад этилиб, қонунчилик палатасига келиб тушган қонун Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан масъул қўмитага хулоса тайёрлаш учун топширилади. Сенат томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Қонунчилик палатасининг масъул қўмитаси Қонунчилик палатаси муҳокамасига қуйидаги тавсиялардан бирини киритиши мумкин:

1. Келишув комиссияси тузиш тўғрисидаги тавсия.
2. Қонунни Қонунчилик палатаси қабул қилган аввалги таҳрирда қабул қилиш тўғрисидаги тавсия.
3. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқмаслик тўғрисидаги тавсия¹.

Бу ерда шуни эътироф этиш лозимки, Қонунчилик палатаси қонунни келишув комиссияси тузмасдан аввалги таҳрирда қабул қилиши ва умуман қайта кўриб чиқмаслиги мумкин. Бу қонун чиқариш жараёнида Қонунчилик палатасининг ваколатлари кенгрок эканлигини англатади.

Башарти, Сенат қуйи палата қабул қилган қонунни маъқулламай, рад этса, парламент палаталари ўртасида келишув комиссияси тузилади. Сенат рад этган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 7 (1351) 242-модда

этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенг асосда келишув комиссияси тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасида келишув комиссияси тузиш тўғрисидаги ташаббус Қонунчилик палатасининг Спикеридан, шунингдек фракциялар ва депутатлар гуруҳларидан чиқиши мумкин. Келишув комиссияси таркибига, қоида тариқасида, қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмита аъзолари сайланади. Бошқа қўмиталарнинг мазкур қонун бўйича махсус билими бўлган депутатлари комиссия таркибига киритилиши мумкин. Келишув комиссияси таркиби Қонунчилик палатасининг камида учта депутатини ўз ичига олиши ва Сенат билан биргаликда тенглик асосида белгиланган миқдорда бўлиши керак¹.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва Сенат Раиси ўзаро маслаҳатлашиб оладилар. Ушбу комиссиянинг Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида тасдиқланади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси аъзоси бўлган депутатнинг ваколатлари тугаган (муддатидан олдин тугатилган) тақдирда у Қонунчилик палатаси томонидан махсус қарор қабул қилинмасданок комиссия таркибидан чиқарилади. Келишув комиссияси таркибидан чиқиб кетган аъзоси ўрнига Қонунчилик палатаси томонидан келишув комиссиясининг янги аъзоси сайланади. Келишув комиссиясининг Янги аъзосини сайлаш тўғрисида Қонунчилик палатаси қабул қилган қарор Сенатга юборилади².

Комиссия, қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида, Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш хусусидаги таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади. Хулоса Қонунчилик палатаси ва Сенатдан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишлича Қонунчилик палатаси ва Сенатга топширилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда Қонунчилик палатаси қонунни қайта кўриб чиқиши керак бўлади. Қонунни қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун, палата маъқуллаган тузатишларни инobatга олган ҳолда, ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қонунни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилса, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади. Агар келишув комиссияси қонун борасида амалга оширган ишларнинг яқунларига кўра келишувга эришилмаса, қонун Сенат рад этган қонун сифатида қайта кўриб чиқилиши керак. Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг эътирозлари билан қайтарилган қонун Қонунчилик палатаси томонидан бир ойлик муддатда қайта кўриб чиқилиши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №12 (1356) 459-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №12 (1356) 459-модда

Масъул қўмита Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқиш масаласи белгиланган тартибда Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилади.

Башарти, Қонунчилик палатаси Сенат рад этган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси куйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: 1) қонунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш; 2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик; 3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Борди-ю қонун аввал қабул қилинган таҳрирда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонунининг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилганидан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламентининг 11-14-моддаларида ушбу масалалар ўз аксини топган.

Белгиланган тартибга кўра, Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган Масъул қўмитага топширилади. Масъул қўмитанинг хулосасида қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо акс эттирилади. Қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосада Масъул қўмитанинг қонунни рад этиш зарур деб ҳисоблашининг важлари баён этилиши лозим. Масъул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади. Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг Масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Кўриб чиқиладиган қонун юзасидан унинг муҳокамаси тартибда сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади. Сенат маъқуллаган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун Сенат қарори билан бирга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорида рад этиш важлари кўрсатилиши керак. Унда айни вақтнинг ўзида қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифлар баён этилиши мумкин.

Сенатнинг қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади. Сенат рад этган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Сенатда келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин. Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан

Сенат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан тасдиқланади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар.

2.2. Қонун чиқариш жараёнида Олий Мажлис келишув комиссияси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва унинг такомиллашуви масалалари.

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган икки палатали парламент тизими ўз навбатида қонунчилик жараёнида бир қанча мураккаб муносабатларни вужудга келтирди. Шу жумладан қонунчилик жараёнида биз учун янги институт ҳисобланган келишув комиссияси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Биз юқоридаги параграфда келишув комиссиясининг фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилдик. Юқоридаги қонунлар билан бир қаторда келишув комиссиясининг фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳуқуқий асослар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти¹;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти²;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби³;

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади. Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишлича Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инobatга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

Қонунчилик палатаси эса қонунни аввалги таҳрирда қабул қилиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 144-моддасига кўра, тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентига юбориши ҳам мумкин. Бу ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 145-моддасига кўра, унга вето қўйиши, яни қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига қайтаришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун қайта кўриб чиқиш учун бевосита Қонунчилик палатасига юборилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган ва Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиқишда илгари қабул қилинган таҳрирда маъқуллаган қонун белгиланган тартибда Сенатга юборилади. Масъул қўмита ушбу қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Сенатда қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала белгиланган тартибда

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 7 (1351) 242-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5 (1349) 161-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 8 ноябрдаги 152-1-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 3 декабрдаги 112-1-сонли қарори билан тасдиқланган/Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №12 (1356) 459-модда

Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилади. Сенат қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан қайта кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун белгиланган тартибда Сенат қарори билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилади.

Сенатнинг қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади. Агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилганида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътирозларини ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу қонунни Сенат янгидан қабул қилинган қонун сифатида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Учинчи босқич – қонунни қабул қилиш. Қонунчилик жараёнининг яна бир муҳим босқичи – қонун лойиҳасини тасдиқлаш, қонунни қабул қилиш босқичидир. Бу босқичнинг аҳамияти ва масъулияти шундаки, бунда қонун лойиҳасига расмий юридик куч бахш этилади, у қонунга айланади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари икки йўл билан қабул қилинади: биринчиси – қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши ва Сенат томонидан маъқулланиши; иккинчиси – қонунни умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилиш.

Қонун овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қонун лойиҳасига овоз бериш уч хил шаклда амалга оширилади: 1) моддама-модда; 2) бўлим ёки боб бўйича алоҳида-алоҳида; 3) лойиҳа тўлиғича овозга қўйилади.

Ҳар бир қонунни қабул қилиш чоғида овоз бериш тартиби Олий Мажлис палаталари томонидан алоҳида белгиланади. Қонунларни қабул қилишнинг, овоз беришнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида¹ ва Олий Мажлис палаталарининг амалдаги Регламентларида белгилаб берилган. Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик (ярмидан ортиқ) овози билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонунни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Жорий қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритувчи қонунлар эса Қонунчилик палатаси депутатларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Тажрибага кўра, қонун лойиҳаси кўриб чиқиладиган пайтда унга киритиладиган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиш алоҳида овозга қўйилади. Мазкур қоида комиссия ҳамда қўмиталар таклиф этган ва лойиҳани киритувчи субъект рози бўлган тузатишларга тааллуқли эмас. Бундай тузатишлар қонун лойиҳасининг дастлабки киритилган матнига қўшиб овозга қўйилаверади. Хулоса берган қўмитанинг айрим аъзоси (агар илгари алоҳида фикр баён этган бўлса) сессия вақтида таклиф киритса, депутат, сенаторлардан бирортаси бевосита мажлис давомида тузатиш киритса, булар лойиҳа бўйича умумий овоз беришдан аввал такдим этилиш навбатига қараб овозга қўйилади. Башарти, бундай таклифларнинг айримлари лойиҳа матнининг баъзи қисмларини чиқариб ташлашни талаб этадиган бўлса, бу қисм энг биринчи навбатда овозга қўйилади. Бордию, лойиҳанинг битта моддаси ёхуд

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.: Ўзбекистон, 2008 й.

битта қонундан тушган бир неча таклифлардан биттаси қабул қилинса, бу тузатишга маъно жиҳатдан қарама-қарши бўлган бошқа таклифлар овозга қўйилмайди. Қонун лойиҳаси ялпи умумий овозга қўйилган тақдирда қабул қилинган тузатишларнинг ҳаммаси бирга овозга қўйилади.

Қонунчилик палатаси тўлиқ юридик кучга эга бўлган ҳужжат қабул қила олиши учун депутатларнинг муайян қисми мажлисда ҳозир бўлиши ва овоз беришда иштирок этиши талаб қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, қонунлар «Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан» қабул қилинади. Бу ерда мана шу «кўпчилик овоз» деган иборага аниқлик киритиш лозим. Зеро, парламентаризм тажрибасида бу борада аниқ мезонлар мавжуд. Жумладан, «нисбий кўпчилик», «оддий кўпчилик», «мутлақ кўпчилик» ва «малакали кўпчилик» тушунчалари қўлланилади.

Нисбий кўпчиликнинг овоз бериши деганда, депутатларнинг бошқа таклифлар учун берилган овозлари сонига нисбатан олинган энг кўп овози тушунилиб, у қонунда белгиланган депутатлар сони квотасининг ярмидан ошмаслиги лозим.

Оддий кўпчиликнинг овоз бериши амалиётда энг кенг тарқалган шакл бўлиб, бунда парламент мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг (кворум мавжуд бўлган тақдирда) ярми ва яна битта овоз берилган ҳолати англашилади.

Мутлақ кўпчиликнинг овоз бериши деганда, депутатлар умумий рўйхатдаги сонининг тенг ярми ва яна битта депутатнинг овози тушунилади. Бир қатор чет давлатларнинг парламентида бу тоифадаги овозлар сони парламент мажлисининг ишчи органларини сайлаш учун, депутатни чақириб олиш ёки уни ҳибсга олиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун, раислик қилувчининг мажлисни олиб бориши бўйича мунозарани ҳал этиш учун ва бошқа ҳолларда талаб этилади.

Парламентда баъзи жиддий масалаларни ҳал этиш учун депутатлар ва сенаторлар *малакали кўпчилигининг* овози лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат (айнан шу миқдор малакали кўпчилик овозни ташкил этади) кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун билан киритилади (127-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида овоз бериш демократик тарзда амалга оширилади. Аввало, ҳар бир депутат ёки сенатор шахсан ўзи овоз бериш ҳуқуқига эга. Чунки овоз бериш депутатнинг ёки сенаторнинг ўз фикрини, у ёки бу масалага шахсий муносабатини билдириши, иродасини ифода этишидир. Парламент аъзоси овоз бериш учун бошқа ҳамкасбини вакил қилиши мумкин эмас.

Парламентнинг ҳар икки палатасида овоз бериш тартиби уларнинг Регламентларида белгилаб қўйилган. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига кўра¹, Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очик ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очик овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин. Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади. Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Қонунчилик палатасининг депутати ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2003 йил, №19, 167-модда.

Худди шунга ўхшаш қоида Олий Мажлис Сенати Регламентининг 10-моддасида ҳам мустаҳкамланган¹. Унга асосан Ўзбекистон халқ депутатларининг камида бешдан бир қисми талабига мувофиқ сессияда электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёхуд депутатлар (сенаторлар)нинг номлари ёзилган бюллетенларни топшириш йўли билан номма-ном овоз бериш ўтказилади. Бюллетенларда «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган сўзлар бўлади. Депутат ёки сенатор бюллетендаги ана шу сўзлардан бирини қолдириб, қолганларини ўчириши керак. Овозларни ҳисоблаб чиқиш пайтида юқорида кўрсатилган сўзларнинг биттадан ортиғи қолдирилган ёки ҳар учала сўз ўчириб ташланган, ё бўлмаса кўзда тутилмаган қарор варианты ёзиб қўйилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси ошонлари тўплами. 2003 йил, №19, 168-модда.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ҳамкорликдаги ишини самарали ташкил этишда муайян бир қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этишнинг муҳим воситаси бўлган келишув комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳозирги кундаги икки палатали парламент тизими шароитида долзарб вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан Олий Мажлис палаталари томонидан ташкил этиладиган келишув комиссияси фаолиятини такомиллаштиришга оид баъзи бир масалалар хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси парламенти палаталари томонидан ташкил этиладиган келишув комиссиясининг ҳуқуқий асослари бўлиб, аввало Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг регламентлари ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда келишув комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этишга доир қоидалар деярли тўлиқ ёритиб берилган. Бироқ ҳозирги шароитда парламент амалиёти нуқтаи назаридан **бизнинг фикримизча** айрим ўз ечимини топиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд. Яъни, ҳозирда келишув комиссияси фаолиятини, ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш учун қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим деб ўйлаймиз.

Биринчи навбатда, келишув комиссиясини тузишда унинг таркибига, хусусан сон жиҳатдан таркибига алоҳида эътибор бериш лозим. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ келишув комиссияси аъзоларининг сони тенглик асосида ташкил этилиши белгилаб берилган, лекин унинг аниқ сони (яъни ҳар бир палатадан учта аъзодан кам бўлмаслиги) фақатгина Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари асосида тасдиқланган ҳамда хизматда фойдаланиш учун назарда тутилган “Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби”да белгиланган. Бизнингча, бу қоида аввало қонуний тартибда мустаҳкамланиши ёки регламентларда ўз ифодасини топиши керак. Масалан, Японияда келишув комиссияси аъзоларининг сони ҳар бир палатадан 10 нафардан кам бўлмаслигига оид ҳуқуқий норма ҳаттоки конституциявий даражада (Япония Конституциясининг 59-моддаси) мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг (112-модда 1-қисм) ва Давлат Думасининг регламентларида ҳам келишув комиссиясининг миқдор таркиби ҳар қайси палатадан 3 нафардан кам бўлмаслиги белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан **“келишув комиссияси аъзоларининг сони ҳар бир палатадан 3 ёки 5 нафардан кам бўлмаслиги”га** оид нормани қонунчиликка киритиш таклиф этилади.

Иккинчидан, келишув комиссияси мажлисида ким биринчи раислик қилишига оид масалани аниқлаштириш. Хорижий мамлакатлар тажрибасида, хусусан Японияда келишув комиссиясининг мажлисида биринчи раислик қилувчи **қуръа ташлаш** йўли билан аниқланади. Бизда ҳам ушбу қоидани жорий этиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Чунки, бу келишув комиссияси мажлисларида раислик қилувчини танлашда келиб чиқиши мумкин бўлган айрим муаммоларни ҳам олдини олади.


Учинчи масала, келишув комиссияси ишида бевосита иштирок этиш учун мутахассис ва экспертларни жалб қилиш борасидаги нормани **Қонунчилик палатаси ва Сенат регламентларида акс эттириши**. Масалан, Беларусь Республикаси Миллий мажлиси Республика Кенгаши регламентининг 187-моддасида келишув комиссияси аъзолари комиссия йиғилиши ишига Республика Кенгаши Котибиятининг тузилмавий бўлинмалари ходимларини, вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг олимлари ва ходимларини экспертлар ва мутахассислар сифатида

жалб қилишлари мумкинлиги кўрсатилган. Бошқа давлатлар, жумладан Россия Федерацияси парламенти ишида ҳам ушбу тажрибадан фойдаланилади.

Тўртинчидан, *“Қонунчилик палатасининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг таркибига депутатлар сайлаш тўғрисидаги қарори беш кун ичида Сенатга юборилади”* деган қондан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига киритиш.** Шунга мувофиқ равишда **Олий Мажлис Сенати Регламентини ҳам** *“Сенатнинг келишув комиссиясини тузиш ва унинг таркибига аъзоларни сайлаш тўғрисидаги қарори беш кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади”* деган норма билан тўлдириш. Мазкур тажрибадан Беларусь Республикаси ва Россия Федерациясида фойдаланилади. Хусусан, Беларусь Республикаси Миллий мажлиси Республика Кенгаши Регламентининг 186-моддасига асосан келишув комиссияси тузиш ва унинг таркибига аъзоларни сайлаш тўғрисидаги Республика Кенгашининг қарори беш кун муддат ичида вакиллар палатасига кўриб чиқиш учун юборилади. Шунингдек, Россия Федерацияси парламенти юқори палатаси Регламентининг 112-моддасига мувофиқ, Федерация Кенгашининг келишув комиссияси аъзолари ва Федерация Кенгашидан ҳамраислик қилувчини сайлаш тўғрисидаги қарори беш кундан кечиктирмай Давлат Думасига юборилади.

Шуни эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси парламенти фаолиятида қонун чиқариш жараёнини такомиллаштириш, хусусан бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ишини самарали ташкил этиш ҳозирги кундаги давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим вазифасидир. Бинобарин, ушбу масала қонун чиқариш жараёнида қуйи ва юқори палатанинг ҳамкорликдаги иши қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ.

Изохлар:




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

СЕНАТИ

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни. 2002 йил. 12 декабрь

Сенат рад этан қонун юзасидан, ҚП ва Сенат ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бар тар аф эти ш учун. ҚП депутатлари ва сенаторлардан тузилади.

Қонун лойиҳаларини кўриш



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раҳбарий адабиётлар:

- 1.1. Каримов И.А. Буюк келажакимиз ҳуқуқий кафолати. — Т.: Шарқ, 1993 йил.

- 1.2. Каримов И.А. Йўлимиз мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1994 йил.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.
- 1.5. Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. – Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.
- 1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
- 1.7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
- 1.8. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 – Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
- 1.9. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
- 1.10. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш-давр талаби. Т.5. –Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
- 1.11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
- 1.12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.6 – Т.: Ўзбекистон, 1998 йил.
- 1.13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7 – Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.
- 1.14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.
- 1.15. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.
- 1.16. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.
- 1.17. Каримов И.А. Адолат - қонун устиворлигида. – Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.
- 1.18. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чақириқ, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзланган маърузаси - Халқ сўзи, 2002 йил, 30 август.
- 1.19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзланган маърузаси. - Халқ сўзи, 2002 йил, 6 декабрь.
- 1.20. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дўнё билан ҳамкорлик йўли. Иккинчи чақириқ, Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида сўзланган маърузаси. - Халқ сўзи, 2003 йил, 25 апрель.
- 1.21. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2005 йил 29 январ.
- 1.22. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон” 2010.
- 1.23. И.А.Каримов Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т. Халқ сўзи. 2013 йил 8 декабрь

2. Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2012.
- 2.2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами”. - 2003 й., 9-10-сон.
- 2.3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Қонуни. - “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами”, 2003 й., 9-10-сон.
- 2.6. “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонуни. - “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами”. 2003 йил 8-сон.
- 2.7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонун. “Халқ сўзи”. 2005 йил январ сони
- 2.8. “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонун. “Халқ сўзи”. 2005 йил январ.
- 2.9. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Қонун. 2007 йил 11 апрель. №УРК-88. Халқ сўзи 2007 йил 12 апрель №71 (4224).
- 2.10. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тугрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2007 йил 11 апрель. №ЎРҚ-90. Халқ сўзи 2007 йил 12 апрель №71 (4224).
- 2.11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг иш регламенти ишчи лойиҳаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 9-И-сонли қарори.
- 2.12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Халқ-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 10-И-сонли қарори.
- 2.13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Фидокорлар миллий-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 11-И-сонли қарори.
- 2.14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига “Миллий тикланиш» партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 12-И-сонли қарори.
- 2.15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига “Адолат» социал-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 13-И-сонли қарори.
- 2.16. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг кўмиталари тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 14-И-сонли қарори.
- 2.17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 7 апрелдаги 73-сонли Фармойиши.

- 2.18. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 20 апрелдаги 50-І-сонли Қарори
- 2.19. Рекомендации по составлению должностных инструкций работников Apparата Государственной Думы.// Сборник нормативных, правовых актов, регламентирующих прохождение федеральной службы в Apparате Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации. – М.: Издание Государственной Думы, 2001.С. 121.
- 2.21. О Регламенте Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации» Постановление Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации от 22 января 1998 г. N 2134-ІІ Гд.

3. Махсус адабиётлар:

- 3.2. Алебастрова И.А. Конституционное право зарубежных стран.- М., 2001.
- 3.3. Боботов С.В., Жигачёв И.Ю. Введение в правовую систему США.- М., 1997.
- 3.4. А.Страшун.Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 1 – 2.- М., 1996.
- 3.5. Конституция Соединенных Штатов. // Верховенство права. Сборник. – М., 1992, с. 114.
- 3.6. Летгер Д. Принцип разделения властей и система сдержек и противовесов в Конституции Соединенных Штатов. // Верховенство права. Сборник. – М., 1992, с. 114.
- 3.7. Мишин А.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран.- М., 1996, С. 196.
- 3.8. Одилқориев Ҳ.Т. «Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни». (рисола). - Т.: Ўзбекистон,1995;
- 3.09. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т., Мухамедов Ў.Х. Икки палатали парламент. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. 204 б.
- 3.11. Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. (ўқув қўлланма). - Т., 1993.
- 3.12. Тўлаганов А.Т. «Давлат ҳокимиятини вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш» (дарслик). - Т.: 2002.
- 3.13. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. - Т: Ўзбекистон, 2001; Ўзбекистон Республикаси Парламенти: биринчи чақириқ Олий Мажлисининг фаолияти. (рисола). - Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 3.14. Ҳусанов О.Т. «Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари». (ўқув қўлланма). - Т.: Шарқ, 1996.
- 3.15. Ҳусанов О.Т. «Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият». (Ҳукукий, ташкилий масалалар, муаммолар). — Т.: Шарқ, 1996.

4. Газета ва журналлардаги мақолалар:

1. Алимов Г-Х.А. К вопросу о статусе Олий Мажлиса Республики Ўзбекистан. – “Ҳуқуқ” юридик журналы, 2001 йил, 2-сон.
2. Аббосхўжаев Ш. Ўзбекистонда парламент ислохотлари. – “Жамият ва бошқарув” журналы, 2004 йил, 1-сон.
3. Амеллер М. Парламенты (пер.с англ.).- М.: Прогресс.1967. 31-б.
4. Д.Қ.Ахмедов, У.Ш.Хусаинов, С.О.Ўрозбоев Парламент фаолиятида келишув комиссияси. Т.ТДЮИ. 2006.
5. К.В.Арановский Государственное право зарубежных стран. Учебное пособие.Москва Инфра-М Форум 2000;

6. Булаков О.Н. Парламентское право. Под ред. д.ю.н.проф.Ю.А.Дмитриева – М.: Юриспруденция, 2002.
7. Бойдадаев М. Давлат бошқаруви ташкилий тузилмаларидаги ислохотлар ва уларнинг ривожланиш истикболлари. -«Ҳаёт ва Қонун» журнали,1999,№ 6.
8. М.А Могонова Скандинавский парламентаризм. Теория и практика. – М.: Российск. Гос. гуманит.ун-т., 2001;
9. А.П. Любимов Парламентское право России– М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2002
2. Котелевская И.В. Современный парламент. Государство и право – 1997
3. Постоянные комиссии и комитеты в зарубежных парламентах <http://www.budgetrf.ru/Publications/Magazines/VestnikSF/2001/vestniksf151-20/vestniksf151-20020.htm>
4. Б.А. Страшун Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник.В 4-х томах. ТОМ 3. Отв. ред.. - М.: Издательства БЕК, 1997. – 764 с.
5. Конституции мира: сборник Конституции государств мира. Т.6./сост. и авторы вступ. Статей У.ТАДЖИХАНОВ, А.Х.САИДОВ. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998.- 378 с.
6. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под. Общ. Ред. члена – корр. РАН, проф. М.В.Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И.Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М.Энтина. – М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА· М.: 1999 – 832 с.
7. Конституции государств – участников СНГ. – М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА· М., 1999-736 с.
8. Конституции государств Европы : В 3 т. Т.3./ Под. общ. редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.- М.: Издательства НОРМА, 2001. – 792 с.